

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан*

Бобомуродов Миршодбек Хусен ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти.*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторлари томонидан ўғрилиқ жиноятларининг виктимологик профилактикасини амалга ошириш йўллари, ушбу соҳада юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳамда ўғрилиқ жиноятлари виктимологик профилактикасининг чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ўғрилиқ жиноятлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, виктимологик профилактика, ўғрилиқларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари.

Аннотация: В данной статье рассматриваются способы осуществления инспекторами по профилактике виктимологической профилактики краж, проблемы, возникающие в этой сфере, и пути их решения, а также меры виктимологической профилактики краж.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, меры по профилактике краж, правонарушений, виктимологическая профилактика, виктимологическая профилактика краж.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятдан жабр чеккан шахсларга етказилган зарарни қоплаш, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўғрилиқдан жабрланган шахслар билан виктимологик профилактикани амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўғрилиқ иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-торож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилиқ жинояти содир этилиш усули жиҳатидан энг хавфи камроғи деб топилиши мумкин, унда жисмоний ёки

руҳий таъсир этиш қўлланилмайди, айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланилмайди. Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда, яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бироқ ўғрилик, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида *“Ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш, жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш керак. Акс ҳолда, жиноятнинг оқибатлари билан овора бўлиб юраверамиз. Бундай кайфият билан ишлашга йўл қўймайман”*¹, деб таъкидлаган.

2023 йилнинг январь-июнь ойлари якунларига кўра иқтисодий жиноятлар ичида жами 7 115 та ўғрилик (ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш) (31,9 %),² содир этилган. Ушбу рақамлар ўғирлик жиноятидан жабрланганлар билан виктимологик профилактикани амалга ошириш муҳим эканлигини кўрсатади.

Ушбу йиғилишда ўғрилик, фирибгарлик ва босқинчилик билан боғлиқ жиноятлар таҳлил қилинар экан, профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолиятининг мутлақо қониқарсиз ташкил этилгани танқид қилинди. Жойларда қўриқлаш хизматидан фойдаланиш учун етарли шароит яратилмагани, шунингдек, айрим одамларнинг ҳуқуқий онги пастлиги, кўчаси, маҳалласидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги жиноятчиларга шароит яратиб бераётгани айтиб ўтилган³.

Ўғирлик жиноятларнинг энг қадимий турларидан биридир. Бу ҳақда жамият давлат тараққиётининг турли даврларига оид манбаларда қайд этилган. Ўғрилик деганда ўзганинг мол-мулкни яширин равишда, пинхона яъни жабрланувчи ва бошқа шахслар йўқлигида ёки уларга билдирмасдан талон-торож қилиш тушунилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўғриликни, *“ўғирлик – ўзганинг нарсасини хуфиёна олмоқ, олиб кетмоқ, қонунга хилоф равишда ўзлаштирмоқ”* деб таъриф берилган⁴.

¹ Шавкат Мирзиёев: битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак. <https://president.uz/uz/1914>.

² Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан. <file:///C:/Users/User/Downloads/17.Huquqbuzarlik.pdf>.

³ Шавкат Мирзиёев: битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак. <https://president.uz/uz/1914>.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. URL: https://ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati.

Мукаддас ислом динида эса “ўғрилик, оқил, болиғ, ҳақи йўқ ва ҳақ шубҳаси йўқ киши томонидан махсус миқдордаги молни, маълум беркитилган жойдан, махфий равишда олишидир»⁵ деб таъриф берилган. Ўғрилик жиноятининг объекти – ўзгалар мулки, объектив томони ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаб олиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарорида ўғриликка қуйидагича тариф берилган: “Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаятганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим”-деб кўрсатиб ўтилган.

Ўғрилик жиноятининг объекти ўзганинг мулкидир. Объектив томондан ўғрилик ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланади.

Жиноятчи ўзгалар мулкани ўғрилик билан эгаллаган ва ундан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, ўғрилик жинояти тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда. Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилик:

а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

д) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш

⁵ Ўғрилик – катта гуноҳдир. URL: <https://islom.uz>.

асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш йўли билан;

е) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига электр энергияси, газ ёки сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилиқ:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
б) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимида кириб ёки ундан фойдаланиб;

в) кўп миқдорда;

г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилиқ:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 44-моддасига асосан Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган⁶. Ушбу чора-тадбирлар орқали ўғирликдан жабрланган ва жавбвланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан қуйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади.

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.

аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ғайриижтимоий ҳуқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

ғайриижтимоий ҳуқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатишлар амалга оширилади⁷.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ўзининг авж палласида бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимида ҳам замон талабларидан ва ҳозирги глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир даврда юзага келган реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва пировардида буларнинг барчаси давлатимизнинг тараққиёти, жамиятимиз ривожига ва халқимиз манфаатига хизмат қилмоғи лозим. Ҳар бир маҳаллада хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари ўзининг маҳалласида ўғирлик жиноятларини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ўғирликдан жабрланган шахслар билан самарали амалга оширса бу маҳалласининг тинчлигига ва ватанимизнинг

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.

келажакда ўғирликдан ҳоли ҳудудга айланишига хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг ўғирликдан жабрланишининг олди олинишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев: битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак. <https://president.uz/uz/1914>.
2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан. <file:///C:/Users/User/Downloads/17.Huquqbuzarlik.pdf>.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. URL: https://ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati.
4. Ўғирлик – катта гуноҳдир. URL: <https://islom.uz>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
6. Mustofaqulov B. A. O' va boshqalar. profektika inspektorlari tomonidan fukarolarning ozi ozi boshqarish organlarida hisobot berish faoliyatini takomillastirish //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 4. – B. 133-139.
7. Abdurazoqova, Gulzoda Rustamovna. “tashkil massasalarini takmonlash uchun jazosi o'tkazish murasalari mas'uldir”. (2024): 60-65.
8. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). huquqchilik profilaktikasi xizmatinda kadrlarni ta'lim olishning samarali tizimini takmonlash. xalqaro ilmiy konferensiyada “*ilmiy ilimlar va innovatsion yundashishlari*” (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
9. Mustofaqulov, Bobur Asror Ohli, Atabek Sultonbek Uly Allamuratov. “aholi oldida hisobot berishda davlat organlari bilan ozaro hamkorligini profilaktika inspektorlari.” Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 67-72.
10. Bobur, Mustofaqulov, Asror Ohli va Umidjon Jamoliddin Ohli Obidjonov. "prafaktika inspektoriya huquqbuzarliklarning yakka tartibdagi profilaktika boyich faoliyatini takomillastirish." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.
11. Mustofaqulov, B., & Abduxalilov, J. (2025). mennat organlari bilan ozaro hakorligini takomillastirish profilaktika inspektori. Yangi O'zbekiston akademik tadqiqotlari jurnali , 2 (1, 2-qism), 48-53.
12. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.

13. Мустофакулов Б. и др. профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолияти //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 1, 2-qism. – С. 64-71.
14. Мустофакулов Б. А. Ў., Сатторов Ш. Ш. кибержиноятлар доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Academic Research. – 2025. – Т. 3. – №. 4-3. – С. 106-110.
15. Қадамович Б. Ҳ., Рахимов Т. М. Ў. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 71-78.
16. Қадамович Б. Ҳ., Ўғли Қ. Ж. Б. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАСПОРТ-ВИЗА ҚОИДАЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 34-41.